

## SPECIFIC FEATURES OF ENGLISH LITERATURE TRANSLATIONS

**M.Karimov,**

Doctoral student of Namangan Institute of Engineering and Technology

### **Annotation**

This article emphasizes the great contribution of English literary translations to Uzbek literature and translation studies today, as well as an analysis of the effectiveness of research in this area. Thoughts and comments are given on the strong links between Anglo-Uzbek translation and research in this area.

### **Keywords:**

Uzbek translation, progressive writers, Robinson Crusoe, American writers

Инглиз-ўзбек таржимачилигининг учинчи даврида “Сўна” учинчи марта ўзбек тилида нашр қилинди. Ундан ташқари Артур Конан Дойлнинг “Шерлок Холмс саргузаштлари”, “Баскервиллар ити” повести ва Грем Гриннинг “Ювош Америкалий” асари ва бошқа кичик адабий жанрда ёзилган бир қанча асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. “Гулливернинг саёҳатлари”, “Робинзон Крузо” асарлари қайта- қайта уч мартадан нашр эттирилди.

“Сўна”нинг 1934- йилги ўзбекча таржимасида йўл қўйилган бир қанча нуқсонлар 1956 йилги нашрида тузатиленди. Бу тузатишлар аксарият тилимиз луғатида шу ўтган давр ичидаги юз берган сифат ўзгаришлари ҳамда таржима муаммосига қарашнинг бирмунча ўзгарганлиги билан ҳам изоҳланади. Бигта мисол, 1934 йил нашрида: у рўзанинг сўнгти ҳафтасидан бир неча кунларни ўтказмоқ учун, пайшанба куни уйига боришига қарорланди.

1956 йил нашрида: у пасха олдидаги сўнгти ҳафтада, пайшанба куни уйига боришига ва отпусканинг дастлабки кунларини ўша ерда ўтказишига қарор қилди. Келтирилган кичик бир парчада таржимон асарнинг миллий ўзига хослигига лат берувчи жиддийгина нуқсонни (*пасхани- рўза деб бериш*) бартараф қилиш билан бирга, маънога халал етказувчи луғавий (*рўзанинг сўнгги хафтаси- пасха олдидаги сўнгги хафта*) ҳамда услубий (*қарорландинг қарор қилди*) хатоларини тузатган. Лекин шундай бўлса ҳам таржимада баъзан гапни ҳижжалаб ўтириш ҳоллари учраб қолади, гоҳи ўринларда образли ифодалар дуруст берилмайди [4].

“Arthur” the low whisper came at last,

“yes, the water is deep”[4]

- Артур,- раздался, наконец, тихий шепот.
- Да, вода глубокая,- овод выступил вперед [5].
- Артур, -деган, ниҳоят паст бир шиши эшигилди.
- Ҳа, сув чукур (1956,200)

Таржиманинг хар уч нашрида ҳам китобхон ана шу “чукур сув”га дуч келган, бу қандай маъно англатилишини ҳеч ким тушунмайди. Аслида бу мусибат, фалокат дегани.

Америка ёзувчиларидан Марк Твен асарлариdek ўзбек тилига кўп таржима қилингани йўқ. 1939, 1940, 1948- йилларда “Том Сойёрнинг бошидан кечирганлари”, 1962 йили ”Шахзода ва гадо”, 1959 йили “Ҳикоя ва памфетлар” тўплами, 1963 йили “Эзма Бесси” ҳикоялар тўплами ва ниҳоят, 1966 йили “Жанна д’Арк” тарихий романни ўзбек тилига таржима қилинди.

Американинг тараққийтарвар ёзувчиларидан бири Жек Лондон биринчи бўлиб ўз миллий адабиётига синфий кураш ва омманинг харакатлари руҳини киритди.

Жек Лондон ижоди, айниқса, Шимол ҳаёти билан боғлиқ. У Шимол ҳаётидан 162 га яқин ҳикоя ёзиб, у ердаги диктатура, мол- дунё тўплаш ҳирсини танқид қиласади. Жек Лондон асарлари билан ўзбек китобхонлари 1958 йилдан бошлаб танишадилар. Шу йили Фаттоҳ Абдуллаев таржимасида унинг ҳикоялар тўплами босилиб чиқди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инглиз адабиётидан таржималар ўзбек адабиётини ривожида ҳам ўз ўрига эга. Таржималар бугунги кун инглиз адабиётининг тараққиётива дунё бўйлаб ёйилишига катта қўприк вазифасини бажаради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қ.Мусаев. Таржима назарияси асослари. Тошкент: 2007 йил
2. F.Саломов, N.Комилов. Дўстлик кўприклари. Тошкент:1979 йил
3. Н.Қамбаров. Таржима ва таржимашунослик муаммолари лингвокультурологик ва когнатив жиҳатидан ўрганилишига доир. “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари: таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи, лингвокультурология ва туризм соҳаларининг узвий боғлиқлиги”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами (12 ноябрь 2019 йил). Б.10-17
4. Э. Войнич. Сўна. Давлат нашриёти. Тошкент, 1934, Самарқанд, Б.41
5. “The Gadfly” of E.L. Voynich. Progress publishers. Moscow, 1964.214.